

## **“Пешку пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!**

“Пешку пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2026 йил 27 май куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 15<sup>00</sup> да Пешку туман, Пешку МФЙ, Пешку к/қ да “Пешку пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади. Йиғилиш қатнашчиларини соат 14<sup>00</sup> рўйхатга олиш бошланади.

Жамиятнинг электрон манзили: [info@peshkupaxta.uz](mailto:info@peshkupaxta.uz)

### **КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:**

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2025 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.
4. Жамият кузатув кенгашининг 2025 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.
5. Жамият ижроия органи раҳбарини тайинлаш ва у билан меҳнат шартномасини бир йил муддатга тузиш.
6. Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2025 йиллик ҳисоботини ва 2026 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтиш комиссияси ҳулосасини эшитиш.
9. Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
12. 2025 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
13. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан қундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш. (Иловадаги рўйхатга асосан).

*Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 27 апрель 2026 йил ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри (3 иш куни олдин) 21 май 2026 йил ҳолатига шакллантирилади.*

*Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат-паспорт, ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт. (жисмоний шахслар учун-нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун-мазкур юридик шахс томонидан берилган)*

*Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Пешку пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносидан танишишлари мумкин.*

*Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Пешку туман, Пешку МФЙ, Пешку к/қ, электрон почта: [info@peshkupaxta.uz](mailto:info@peshkupaxta.uz), тел: 65-221-65-65 (774).*